

ТАСАВВУФ ГЕНЕЗИСИ ВА ТАРАҚҚИЁТИ

Пұлатов Сайёдбек Ҳасанович

Фарғона вил. Қувасой ш., 1- ИДУМ ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6684153>

Аннотация: Мақолада тасаввуфнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва ҳозирги кунда ҳам дунё олимларининг қизгин мавзусига айланниши, сўфиий иборасининг келиб чиқшии, сўфийларнинг ўзига хос хусусиятлари, тасаввуфнинг тараққиёт босқичлари ҳақида сўз юритилади.

Калит сўз ва иборалар: тасаввуф, сўфиий, хол, мақом, сабр, зухд, Куръони карим, Ҳадис, сулук, шайх .

ГЕНЕЗИС И РАЗВИТИЕ МИСТИЦИЗМА

Аннотация: В статье рассматривается о зарождение и развитие мистицизма, интерес мировых учёных к изучению суфизма, о происхождение слова суфи, о личных принципах суфииев, об этапах развитии тасаввуфа.

Ключевые слова и фразы: мистицизм, суфизм, хал, макам, терпение, отщелничество, Каран, Ҳадис, сулук, шейх.

GENESIS AND DEVELOPMENT OF MYSTICISM

Abstract. The article discusses the origin and development of mysticism, the interest of world scientists in the study of Sufism, the origin of the word *sufi*, about the personal principles of the Sufis, about the stages of development of Sufism.

Key words and phrases: mysticism, sufism, hal, makam, patience, secession, Karan, Hadith, suluk sheikh.

КИРИШ

Тасаввуф мана XIV асрдан ортиқ давр давомида шарқ ва ғарб илоҳиёт, исломшунос олимларининг энг жозибали ва ҳаётбаҳш билим манбаи ва тадқиқот мавзуси бўлиб келмоқда.

Улуг тасаввуф алломаси Азизиддин Насафий сўфийларнинг фикри-зикрини, диний ва дунёвий тафаккурини қўйидагича таърифлаган: “Билгинки, тасаввуф аҳли фикрига биноан солик (сўфиийлик, тарикат йўлига кирган Аллоҳ сафарига отланган) ёмон сўзлардан хайрли сўзларга, ёмон ишлардан хайрли ишларга, залима (бузук) ахлоқдан ҳамилда (мақталган) ахлоққа, ўз бағридан Парвардигори олам борлиғига томон ҳаракат қилмоқда- лар”, - деб ёзган.[1:51] Шарқнинг буюк алломалари ва мутафаккирларининг илмий-фалсафий, исломий-фалсафий ва тасаввуфий меросини ўрганиш ва ёшлар онгига маърифатли, соф исломий гояларни сингдириш бугунги кунда долзарб бўлиб қолди.

“Сўфиий” ва “тасаввуф” сўzlари Куръони Карим ва Ҳадисларда учрамайди. Бу тушунчалар Муҳаммад а.с. саҳобаларига ҳам, тобеъинларга ҳам нотаниш бўлган. У даврларда Муҳаммад а.с. ни кўришга мұяссар бўлган саҳобалар ва уларнинг издошлиари тобеъинлар ҳам дунё мулкидан воз кечганлиги ва ўзларини фақат Аллоҳ ибодатига бағишлаганлиги билан шараф топганлар ва бошқача ном билан айтилмаганлар. Тобеъут-тобеъин, яъни тобеъинлардан кейинги авлод даврида эса, дунё мулкидан воз кечганлар ва ўзини фақат Аллоҳ йўлига бағишлаганлар бир неча номлар билан айтила бошлади. Чунки бу давларга келиб ислом худудлари кенг ёйилиб, мусулмонларнинг моддий бойликлари

ҳам ортиб борган. Энди дунё мулкидан воз кечганлар ва ўзини фақат Аллоҳ ибодатига бағишилаганларни “обид”, “зоҳид”, “факир”, “носиқ” каби номлар билан атай бошладилар.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Илк давр сўфийларининг аниқроғи, зоҳид, факир ва обидларининг ўзига хос хусусиятларидан – Қуръони Карим оятлари устида чукур фикр юритиш, Қуръон ва Пайғамбар а.с. суннатларига қатъий амал қилиш, кечаларини нафл ибодатлар билан бедор ўтказиш, кундузлари рўза тутиш, ҳаёт лаззатларидан воз кечиш, гуноҳдан сақланиш, ҳоким ва ҳарбийлардан ўзини узоқ тутиш (вараъ), ўзини Аллоҳ ихтиёрига топшириш (таваккул) ва ҳоказоларни таъкидлаш мумкин. Жумладан, фақр, ризо, сабр хусусиятлари уларга хос эди. Умуман олганда, мусулмон оламида мистика, зуҳд йўналишарининг кучайиб бориши араб киборларининг очкўзлигига, уларнинг зеб-зийнатга ружуларига, илк таълимот идеалларини аста-секин йўқолиб бораётганлигига, ахлоқнинг тубанлашишига қарши эзилган синфлар қаршилигининг кўриниши ҳам эди.

Хижрий II асрнинг иккинчи ярмидан, кейинчалик кенг тарқалган “сўфий” тушунчаси ишлатила бошланди. Манбаларда айтилишича биринчи суфий деб номланган одам – Абу Ҳаййун (767 ваф.) бўлган экан, лекин Хурросонлик сўфий Қушайрий (986-1076)нинг сўзларига кўра – Абу Ҳошим (778 ваф.) деб кўрсатилади.[2:17] Ҳар иккаласини Куфадан эканлигини инобатга олиб, айтиш мумкинки бу тушунча биринчи бўлиб Куфа ва Басрада вужудга келган.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

“Сўфий” ва “тасаввуф” сўзларининг келиб чиқиши ҳақида ҳам турли нуқтаи-назарлар мавжуд. Баъзи бир Қушайри ва Ҳужвирий каби муаллифлар “сўфий” сўзини араб грамматикасидан олинганлигини инкор этиб, буни жуда борса тахаллус бўлган дейишади. “Сўфий” ва “тасаввуф” сўзлари араб сўзлари ўзагидан олинган деб фикр билдирувчилар эса бир тўхтамга келганича йўқ ва бугунги кунгача “сўфий” сўзининг келиб чиқиши тўғрисида қуйидагича таърифлар билдирилган:

“Суффа” сўзидан олинган деган фикрлар мавжуд. Муҳаммад а.с. нинг Мадинадаги Масжидун-набави (Пайғамбар масжида)да яшаб, ҳаёт кечирган, биринчилардан бўлиб исломни қабул қилганларни “асҳоба-суффа” дер эдилар; “сўфий” сўзи “суфана”деб номланган чўл ўсимлигидан олинган деган қарашлар ҳам бор; яна бошқалар “саф” – тозалик маъносини берувчи араб сўзидан олинган дейдилар; “Саффун авваль” – биринчи қатор, олдинда турувчи деган маъноларни берувчи сўздан олинган деган қарашлар ҳам бор; исломдан олдин яшаган бир қабиланинг номи “Банус-суффа” бўлиб, сўфий сўзининг келиб чиқиши шу қабилага боғлиқ деб фикр билдирувчилар ҳам бор; “Суфатуль-кафа” узун соч ёки елкага тушган кокил деган маънони беради. Шу сўздан “сўфий” сўзи келиб чиққан деювчилар ўз эътиборини сўфийларнинг соchlарини ўстириб юришларига ва кийим бошига аҳамият бермаслигига қаратишган; “Тасаввуф” ва “сўфий” сўзларини “сиъфат” сўзидан олинган деган нуқтаи назар тарафдорлари ҳам мавжуд; буюк аллома Абу Райхон Беруний (1051 ваф.) ва ундан кейин баъзи ғарб шарқшунослари ҳам “сўфий” сўзининг келиб чиқишини юонон сўзидан, яъни “хикмат” деган маънони берувчи “софия” дан олинган деб таърифлашади.

Аммо юқордагиларнинг барчасида араб грамматикасига тўғри келмаслиги билан ажralиб туради.

МУҲОКАМА

Энг кўп тарқалган нуқтаи назарлардан бири “сўфий” сўзининг “суф”, яъни араб тилидан “жун” деб таржима қилинадиган сўздан олингандиги бўлди. Биринчи сўфийлардан бўлган Абу Наср Сарроҷ (988 ваф.) айнан “суф” сўзидан “сўфий” сўзининг келиб чиққанлиги ҳақида фикр билдиради: Пайғамбарлар ва валийларга жундан тўқилган кийим (тўн, плаш) кийиш анъана бўлган. Абу Наср Сарроҷ фикрини давом эттириб айтадики, одамларни кийган кийимига қараб номланиши эски анъаналардан бўлиб, Исо (алайхиссаллом) издошлари оқ кийим кийиб юришни анъана, одат қилиб олганлари учун уларни “хаворийлар” (оқ кийим кийиб юрувчилар) деб аташган. Худди шундай сўфийларни ҳам, жунли матодан кийим кийиб юришгандарни учун сўфий деб аташиб, улар ўрганадиган тасаввуф илмини эса “такъмса”, яъни узун кўйлакка буркангандарни деган маънони берувчи сўздан олинган дейди.

Классик давр муаллифлари: Калабази, Абу Нуайм, Имом Фаззолий, Ибнул-Жоузи, Сухравардий, Ибн Таймийя ва Ибн Ҳолдун каби алломалар “сўфий” ва “тасаввуф” сўзларининг араб тилидаги “суф” (“жун”) сўзидан олингандигини қайд этадилар. Никольсон, Нольдеке, Массигнон ва Гольдзихер ҳамда ҳозирги давр тасаввуф олими, ал-Азҳар шайхи Абдулҳалим Маҳмуд ҳам шу нуқтаи назарга қўшиладилар.[3:20]

Тасаввуф сўзининг келиб чиқиши билан бир қаторда тасаввуф илмига, унинг моҳиятига берилган ягона умумэътироф этилган таъриф ҳам мавжуд эмас. Имом ал-Фаззолий тасаввуфни илм ва амалнинг омухталигидир деб таърифлайди ва шу билан бирга, ал-Фаззолий ва Ибн ал-Арабий ҳам ислом илмининг энг маъқул шаклини тасаввуф деб билиб, унга ислом фалсафасининг негизи деб қарайдилар.

Тасаввуф юқори ҳис-ҳаяжон обьекти бўлганлиги учун унга берилган таърифлар ҳам кўпдир. Ҳар бир сўфий шайх тасаввуфни ўз тариқатидан, ҳолидан, мақомидан, руҳий тажрибасидан, сулук манзилларидан, даражаларидан келиб чиқиб таърифлайди. Бундай таърифлар мингтага етади. Айнан шу мавзуга бағишлиланган тадқиқотларга кўра, дунёда қанча сўфий бўлса, шунча тасаввуфга берилган таърифлар ҳам мавжуд, деган қарашлар ҳам бор. Инглиз шарқшуноси Николсон Кушайрийнинг “Рисолаи Кушайри”, Атторнинг “Тазкиратул-унс”, Жомийнинг “Нафоҳатул-унс” каби тасаввуфга бағишлиланган асарларида учрайдиган етмиш саккизта тасаввуфга берилган таърифларни хронологик кетма кетлиқда келтиради.[4:387-406] Бундай турли чегараларни белгиловчи таърифларни ўнта гурухга бўлиш мумкин. Улар қўйидагилардан иборат: Тасаввуф – бу тарқидунёчилик, зуҳд; мукаммал ахлоқ; покланиш ва қалб мусаффолигига эришиш; сабр қилиш ва нафс билан доимий курашиш; саодат йўли, яъни Қуръон ва Суннага итоат қилиш; бор вужуди билан фақат Аллоҳга баҳшида бўлиш; Аллоҳ билан бирлашиш, Унга сингиб кетиш; ислом маънавий-руҳий оламининг негизи; ғайб, сирлар илми; фақат танланганларга, хосларнинг-хосларигагина аён бўладиган илоҳий илм хазинаси.

Юқорида айтганимиздек “тасаввуф” ва “сўфий” сўзлари Қуроъни Каримда ва Ҳадисларда учрамасада, тасаввуф илмининг туб моҳияти Қуроъни Карим ва Суннадан иборат. Бунга далил қилиб мутасаввиф алломалар Қуроъни Карим ва Ҳадислардан кўплаб нақл ривоятлар келтирадилар. Бундан ташқари деярли барча тасаввуф тариқатлари ўзларининг силсила давомийлиги занжирини Мустафо Муҳаммад а.с. дан бошланишини эътироф этадилар.

Тасаввуф таълимотининг вужудга келиши ва тараққиёти тарихини уч даврга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Биринчи давр – зуҳд, таркидунёчилик даври. Бу давр саодат давридан, яъни Муҳаммад а.с. яшаган даврларидан бошланиб тобеъинлар ва тобеъут-тобеъинлар яшаган исломнинг биринчи икки асрига тўғри келади.

Иккинчи давр – VIII асрнинг охиридан то биринчи тариқатлар вужудга келиши, яъни XII асргача даврни ўз ичига олади. Бу даврларда “сўфий” “тасаввуф” тушунчалари истилоҳга киритилиб, биринчи машҳур сўфийлар пайдо бўлди. Тасаввуф институти шаклланиб, Жунайд Бағдодий, Боязид Бистомий, Ҳаким Термизий, Нурий, Мансур Ҳаллож, Абу Наср ас-Сарроҷ ва Имом Фаззолий каби етук мутасаввиф олимлар шу даврларда яшаганлар.

Учинчи давр – XII асрдан тасаввуфда энг таъсирчан тариқатларнинг пайдо бўлиши ва ижтимоий ҳаётнинг бир қисмига айланиши билан изоҳланади. Мана шу жойда айтиб ўтишни жоиз деб топдик, яъни шу даврда йирик ислом теологи Абу Ҳомид ал-Фаззолийнинг буюк хизматлари билан тасаввуф расмий ислом билан мувофиқлаштирилди. Бу давр Ибн ал-Арабий каби буюк мутасаввиф алломалар яшаган, тасаввуфнинг адабиёт ва шеърият ривожига мисли кўрилмаган даражада таъсир этган давр бўлиб, бу жараён то ҳозирги кунгача давом этмоқда. Яна айтиб ўтиш керакки, ўша пайтда вақти-вақти билан мадраса ва такя (хонақоҳ) орасида ихтилофлар чиқиб турган.

Юқорида тасаввуфга асос бўлган таркидунёчилик кайфиятлари деяри ислом билан бир даврда юзага келди деб айтиб ўтдик. Сўфийликнинг илк намояндлари деб Пайғамбар а.с. нинг Абу-д-Дардо, Абу Зарр, Ҳузайфа (ваф. VII асрнинг иккинчи ярми) каби саҳобалари ҳисобланади. Аммо исломдаги сўфийлик оқимининг шаклланиши VIII асрнинг ўрталари IX асрнинг бошларига тегишли. Бу даврда сўфийлар қаторига муҳаддислар, қорилар, қуссослар, Византия билан чегара урушларида қатнашган жангчилар, косиблар, тижоратчилар, шу жумладан исломни қабул қилган христианлар кирганлар.

Зийрак психолог, “ilm ал-қулб ва-л-хавотир” – “қалблар ва фикрлар илми”га асос соглан ал-Ҳасан ал-Басрий бекорга сўфийликнинг асосчиларидан ҳисоблан- майди. Ал-Ҳасан ал-Басрийнинг асҳоблари, басралиқ зоҳидлар – Рабоҳ ибн Амр, Рабиъий ал-Адавий, ал-Доринийларнинг (VIII-IX асрлар) ваъз ва маърузаларида Аллоҳга бўлган соф муҳаббат, унга яқинлашишга бўлган интилиш ҳақидаги фикрлар пайдо бўлди.

IX аср давомида тасаввуф назариёти ва амалиётини ишлаб чиқиш учун қизғин ҳаракатлар давом этди. Басра билан бир қаторда Бағдод ва Хурросон сўфийлик мактаблари энг нуғузли мактаблар сифатида юзага келди. Уларнинг намояндлари аввалгидек сўфийнинг ички дунёсига асосий эътиборни қаратар эдилар. Уларнинг “ҳол”, “мақоматларига” батавсил тасфирлар бердилар. Бошқа мистик таълимотлар каби унга сўфий босиб ўтганида “дунё гуноҳкорлигидан” покланиб, илоҳиётга яқинлашишга, Унга сингиб кетишга сабаб бўладиган йўл (тариқ) сифатида қарадилар. “Ниятлар” ҳақидаги таълимот янада чуқурлаштирилди. Бунда ўз-ўзини назорат (муроқаба, муҳосаба) қилишга эришиш учун унинг “иҳлос” ва “садоқат” билан бўлишига асосий ургуни бердилар. Тасаввуфда Аллоҳга етишиш фақатгина Ўзини кўриш билан эмас, Унга қўшилиб кетиш, сингиб кетиш (“фано” ва ундан кейин “бақо”) билан бўлиши ҳам мумкин деган фикр

илгари сурилди. Мансур ал-Халлож, ибн Ато, Айн ал-Кудот ал-Хамадоний каби кишиларнинг қатл этилиши бошқа сўфийларни хушёрликка чақирди.

ХУЛОСА

Ислом динида биринчи сўфий номини олганлардан Абу Ҳошим Шомий (778 й. ваф.), тасаввуф усулига биринчи марта шарҳ берган киши Имом Моликнинг шогирди бўлмиш Зуннуни Мисрий (870 й. ваф.), минбардан туриб биринчи маротаба тасаввуфга чақирган киши Шиблий (946 й. ваф.), тасаввуф усулини кенгайтириб тартибга солган киши Жунайд Бағдодий (1008 й. ваф.), тасаввуфда авлиёлик (валоят) ҳақида гапириб, уларни Аллоҳга энг яқин кишилар деб белгилаган биринчи киши Ҳаким ат-Термизий (869 й. ваф.) эди. Аёллардан биринчи сўфий бўлган киши Робиъа Адавийя (753 й. ваф.) бўлган.

Тасаввуфнинг халқ оғзаки ижодига, адабиёт ва санъатга таъсири беқиёс эди. Сўфийлар орасида кўплаб истеъододли шоирлар ва адилар бўлган. Саъдий Шерозий, Ҳофиз Шерозий, Низомий Ганжавий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Бобораҳим Машраб, Мирзо Бедил тасаввуфий ижоди, уларнинг Аллоҳ нури билан суғорилган ғоявий манзиллари иймон-эътиқодга чексиз садоқати, инсоннинг эзгу хулқ одоби, эзгу амали, эзгу сўзи, эзгу нияти, эзгуликка бахшида этилган ҳидояти каби мавзулар алломаларнинг сўзида, тилида, қалбida, барҳаёт яшаган. Умуман олганда тасаввуфниниг ривожланиш йўли ислом тарихининг ажралмас бир қисмидир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Азизиддин Насафий. Зубайдат ул-Хақойиқ (Ҳақиқатлар жавҳари). – Т.: “Камалак” (Нажмиддин Комилов таржимаси), 1996.
2. Йылмаз Х.К. Тасаввуф и тарикаты. Перевод с турецкого, Азат Урманов. М.: ООО Из. «САД», 2007.
3. Профессор, доктор Хасан Камил Йылмаз, Тасаввуф и тарикаты. Пер. с турецкого. М.:ООО “Издательская группа “САД”, 2007.
4. Атҳам Жабаджиоглу “Определение тасаввуфа, проведённые профессором Николсоном в хронологическом порядке”. Университет анкары, Журнал факультета богословия, XXIX, Анкара, 1987.